



ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 42 (9.539) 2001 йил 11 апрель, chorshanba Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

КИСҚА САҲИФАДА

АБРОР Хидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг ҳомиёлигида «Соғлом авлод гунаҳлари» театр студиясининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

ОНАЛАР ва болалар йили муносабати билан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Академик лицейида ЮНЕСКО клуби очилиши маросими ўтказилди.

ЯККАСАРОЙ туманидаги «Лоп» боғчасида Аналар ва болалар йили муносабати билан боғча тарбияланувчилари ўртасида «Она билан бала, гул билан лоп» танлови ўтказилди.

КРИДИ — Юнусобод тумани ноғирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятида АҚШнинг «Коунтрпартнер интернейшн» жамғармаси, «Ўзбек телеком» корхонаси, «Бахт-назар» масъулияти чекланган жамияти,

Юнусобод тумани ҳокимлиги ва тумани ИИБ ҳомийликларида 900 га яқин мададга муҳтож болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 60-мактаб гимназиясига Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида оғирлиги тўрт тоннадан оғирроқ табиатга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

ШАХРИМИЗДАГИ ноғирон болаларга ёрдам берувчи «Уир» марказида Буюк Британиялик ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи мутасадди таъкилотларнинг «Таъсис лейн» лойиҳасини юртимизда амалга оширишнинг йўл-йўриқларига бағишланган анжуман ўтказилди.

ТОШКЕНТ Киме-технология институтида «Фан ҳафталиги - 2001» доирасида профессор, фан номзодлари, докторантлар ҳамда аспирантлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман озиқ-овқат сановати қимёси ва технологиясини ривож-

лантиришга доир масалаларга бағишланди.

УМУМТАЪЛИМ фанлари бўйича республика Олимпиадаси низоҳасига етди. Унда пойтахт мактабларида тахсил олаётган зукко, билимдон ўқувчилар ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Чунки олимпиадада гўлиб чиқиб олий ўқув юртиларида ўқиш учун имтиёзга йўлланмани қўлга киритган 57 нафар ўқувчилар орасида пойтахтликлар кўпчилиكنи ташкил этади.

ТОШКЕНТ Давлат циркида туркиялик цирк усталарининг томошалари бўлиб ўтмоқда. Унда нафақат афсунгарлару спортчилар, балки ҳайвон ўргатувчиларнинг янги-янги томошалари санъат ихлосмандларига намойиш этилмоқда.

ТОШКЕНТДАГИ «Динамо» теннис кортида ўсмир теннисчиларнинг аънаваный XXI Тошкент турнири бўлиб ўтди. Ушбу турнирда нафақат юртодшлирини, балки Россия, Қозғистон, Туркменистон ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган 128 нафар ёш теннисчи иштирок этди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Шахримизнинг Ўзбекистон кўчасида — Шароф Рашидов шохқўчасидан Шахрисабз кўчасигача бўлган масофада айни кунларда қизгин таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

1350 метрни ташкил этган ушбу масофада трамвай йўли олиб ташлаш, кенгайтириш, транспорт воситалари ва йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида бош пудратчи «Тошшаҳарйўлқурилиш-таъмир» трестининг 3-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси йўлсозлари астойдил меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, уларга 704- ҳамда 616-қурилиш-монтаж поездлари ишчи-хизматчилари яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Қурилиш-таъмирлаш ишларини қисқа муддатда, яъни шу йилнинг май ойида тугаллашимиз лозим, — дейди ишбош Рустам Ботиров. — Ушбу йўл қурилишига энг моҳир йўлсозлар ҳамда хориддан келтирилган юксак унумли техникалар жалб этилган. Шу кунга қадар трамвай рельслари олиб ташланиб, текислаш ҳамда йўлни кенгайтириш учун

Кенг ва раvon



Курйилиш майдонида Жану-тайёргарлик ишлари бажарилди. Яна бир ой ўтгач ушбу замонвий ва раvon йўлдан икки томонлама транспорт қатнови йўлга қўйилади. Йўлни таллаб-келтирилган юксак унумли техникалар жалб этилган. Шу кунга қадар трамвай рельслари олиб ташланиб, текислаш ҳамда йўлни кенгайтириш учун

бий Корея ва бошқа хорих давлатларидан келтирилган экскаватор, бульдозер, юк ортувчи, текисловчи техникаларнинг моҳирлик билан бошқарилган таъмирлаш машинистларини, керакли қурилиш материалларини ўз вақтида келтиришга муваффақ бўлаётган ҳайдовчилар, шунингдек, астойдил меҳнат қилаётган Баҳодир Зиев, Анвар Алимов, Федор Лигай сингари йўлсозларни учратасиз. Барчасининг иштирокида амалга оширилган ишчи сифатли бажариб, йўлни ўз вақтида фойдаланишга топширишди. Бу ерда тинмай ўз вазифаларини сийқидилдан адо этаётган 80 нафардан ортиқ йўлсозларнинг шу кеча-кундуздаги меҳнатидан шу нарсга аёнки, ҳадемай ўзга-га кўринишдаги ушбу раvon ва замонвий йўлдан транспортлар яна қатнай бошлайди.

ДИДРОА ГАННЕВА. СУРАТЛАРДА: машинист Анвар Сафаров ва участка раҳбари Раҳимбой Шожонов; қурилиш-таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Сергей Любич олган суратлар

КЎРГАЗМАЛАР

«Соғлиқни сақлаш — 2001»

КЕЧА «Ўзбекистон Республикасида савдо-кўргазмалар марказида аънаваный 6- «Соғлиқни сақлаш — 2001» халқаро кўргазмаси иш бошланди. Буюк Британиянинг ПТЕ компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» бирлашмаси таъкилотчилигида ўтказилган кўргазмада АҚШ, Германия, Франция, Швейцария, Финляндия, Россия каби жаҳондаги тиббиёт анжумлари ва дори-дармонларни ишлаб чиқарувчи етакчи давлатларнинг ўттиздан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда.

Уч кун давом этадиган кўргазмада рентген, ультратўвуш ва компьютер томографияси бўйича диагностика ускуналари, лаборатория анжумлари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, жароҳат, анестезиология, онкология, гастроэнтерология, эндокринология, психиатрия йўналишлари учун материаллар, асбоб-донм ва жихозлар кенг намойиш этилмоқда. Кўргазмада Республиканинг «Тошфарм-Самсунг», «МДС Сервис», «Ал Дустлик», «НТМ», «Нашма» каби тиббиёт анжумлари, дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи ҳамда тиббиёт хизматларини кўрсатувчи корхоналар маҳсулотлари ҳам кенг ўрин олган.

Шуниси эътиборга лойиқки, тиббиёт технологияларининг энг янги ютуқлари билан танишиш борасида кенг имкониятлар ошувчи маъруза кўргазмада фирмаларнинг акадрили бўлиши юқори малакали мутахассислар тиббиёт маҳсулотларини қўллаш, уларни юртимиз давлатида муассасаларига етказиб бериш бўйича шартномадор ишчилик ширкати қўллашмоқда.

«Соғлиқни сақлаш — 2001» халқаро кўргазмаси доирасида семинарлар, тақдиротлар, тренинг-семинарлар ҳам уюштирилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



АНЖУМАНЛАР

Минтақавий семинар

Давлат авиация назоратида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) томонидан авиация соҳаси хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ўз ишчини бошлади.

Албатта бундай анжумани ўтказишни давроний ўзи тақозо этмоқда — жаҳон микёсида террорчилар томонидан самолётларни олиб кетиш ва шу орқали авиайўловчилар ҳаёти хавф остида қолиши билан боғлиқ жиноятлар сони ошмоқда.

Ушбу минтақавий семинар Президентимиз Ислам Каримовнинг ўтган йили ИКАО Кенгаши президенти доктор Ассад Котайт билан учрашуви чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг амалдаги тадбири сифатида юзага келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг ишида ИКАОнинг Монреалдаги Қароргоҳи ва Париждаги минтақавий бюроси вакиллари, шунингдек, парвозлар хавфсизлиги масалаларига маъсул бўлган авиация маъмуриятлари вакиллари ҳамда Қозғистон, Қирғизистон, То-

КЕЧА

жикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон халқаро аэропортлари парвозлар хавфсизлиги хизматларининг раҳбарлари иштирок этмоқда.

Анжуманда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ИКАОнинг давлатларнинг тегишли хизматларида халқаро стандартларни ва авиация хавфсизлиги қондаларини жорий этишдаги талаблари, парвозлар хавфсизлигига ўргатишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Унинг қатнашчилари амалий фаолият давомида тўлган тажрибалар билан алмашишади. ИКАОнинг парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларининг ҳаётга таъдир этилиши билан Тошкент халқаро аэропорти иши мисолида танишади.

ЭРТАГА

ўз ишчини якунлайдиган маъруза анжуман Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг хаво транспортдаги терроризм билан курашиш бўйича ҳамкорлигини муостаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Даврон ИСМАТОВ

жикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон халқаро аэропортлари парвозлар хавфсизлиги хизматларининг раҳбарлари иштирок этмоқда.

Анжуманда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ИКАОнинг давлатларнинг тегишли хизматларида халқаро стандартларни ва авиация хавфсизлиги қондаларини жорий этишдаги талаблари, парвозлар хавфсизлигига ўргатишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Унинг қатнашчилари амалий фаолият давомида тўлган тажрибалар билан алмашишади. ИКАОнинг парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларининг ҳаётга таъдир этилиши билан Тошкент халқаро аэропорти иши мисолида танишади.

ЭРТАГА

ўз ишчини якунлайдиган маъруза анжуман Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг хаво транспортдаги терроризм билан курашиш бўйича ҳамкорлигини муостаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Даврон ИСМАТОВ

КЕЧА

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» асари нодир қўлёзма нусхасини маъмур муассасага топшириш маросими бўлди. Унда танкили шарқшунос олимлар, олий ўқув юртиларининг ўқитувчи ва талабалари, мумтоз шеърятимиз ихлосмандлари иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИГА ТУҲФАСИ

Шарқшунослик институти ректори, академик Н. Иброҳимов маросимини очар экан, истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни тиклаш, неча минг йиллик маънавий-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, мустамлакчилик даврларида хорихга олиб чиқиб кетилган маданий ёдгорликларимизни аниқлаш ва юртимизга қайтариш борасида қўллаб қайриш ишлар амалга ошириляётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида маъмур комиссия тузилиб, фаол иш олиб бораётгани аниқсиз эътиборга моликдир. Бу ишга хорихда яшайётган ҳамюртларимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Туркияда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз улуг бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» маъмурасининг ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган қўлёзма нусхасини Президентимиз Ислам Каримовга юборишди.

Давлатимиз раҳбари бу беназир асарни шеърят мулки султониининг рамзий уйи — Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига туҳфа этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов қўлёзма музейга топширар экан, бу шеърый обида буюк бобомизнинг 560 йиллик таваллуд тўйи юртимизда кенг нишонланаётган бир пайтда топилиши ва халқимизга қайтарилгани, шубҳасиз, Алишер Навоий ижодида, миллий маънавиятимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизнинг яна бир белгиси эканини қайд этди.

Кези келганда пуни айтиш керакки, жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бири ҳисобланган бу шеърый маъмура тўрт девондан иборат бўлгани учун халқимиз орасида «Чор девон» номи билан ҳам шухрат қозонган. Ундан буюк шоирнинг барча жанрдаги шеърый асарлари ўрин олган.

Маъмур қўлёзма XVIII асрда Самарқандда Уста Бобо-жон ўғли Мулла Муқимжон Самарқандий исмли хаттот томонидан кўчирилган. У жами 967 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир ыарағи бўйига 52, энига 30 сантиметрни ташкил этади. Асар машҳур Самарқанд қозғозига настиллаш усулида битилиб, қалин яшил муқова билан ғилофланган. Уша вақтдаги аънавада кўра, шеърый байтлар саҳифаларининг ўртасида ёзилган, ён томонларида эса нақшлар ва шарҳлар учун жой қолдирилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э. Воҳидов, маъмур музей директори С. Ҳасанов ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, миллий гуруримиз ва ифтихоримиз тим-соли Алишер Навоий ҳазратларининг бу ноёб асари — «Маънолар казинаси» навоийшуносларимиз томонидан аллома фаолиятини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаётган қўллаб таъкидлаш юзага келишига манбаа бўлишини таъкидлаб, қўлёзма ни ўз соҳибни — улуг мутафаккир номидаги музейга соғва қилгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этидилар.

(Ў.А.)

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Хизматдан фойдаландингизми, ҳақини тўланг-да!

«Оқшом» саҳифаларида пойтахтимиздаги қўллаб хонадон эгаларининг коммунал хизматларидан етарлиқ фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда турли баҳоналарни рўқча қилаётгани ҳақида доимий чиқишлар қиламиз. Бугун яна шу мавзуга қайтиб аҳолининг Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасида қарзлари ҳақида фикр юритамиз.

Шахримизнинг барча туманларида ана шундай қарзлари бўла туриб, уни тўлашни уйламаётганлар топилади. Айниқса, Сергели тумани коммунал-фойдаланиш бошқармасида бўлганимизда қарздорлар рўйхатини бир зумда қўлимизга тутқазмишди ва «Бу ҳали ҳаммаси эмас, энг қарзи қўларини рўйхатга киритдик, холос» дейишди. Бугунгача туманининг 300 миллион сўм қарзи бор экан. Шу билан бирга улар қарз ундириш борасида қўллаётган чора-тадбирларнинг беҳуда кетаётганини, кўпчилик қарздорлар пуч баҳоналарни қўрсатиб, ундан осонликча қўлқўлмоқчи бўлаётганини айтишди.

Рўйхатга қўз югуртирамиз: «Қўйлик -7» мавзеси 4-ўй 85-хонадон соҳиб Раҳматов 166770 сўм, шу уйнинг 92-хонадонда яшовчи Деҳқоновлар оиласи 132 313 сўм, «Сергели-5» мавзеси 34-ўй 15-хонадонда истиқомат қилувчи Зикриллаевлар оила-

си 150 минг сўм, «Сергели-7» мавзеси, 47-ўй 35-хонадондан Файзиевалар 120 640 сўм, «Сергели-2» мавзеси, 65-ўй 67-хонадон эгаси Асадуллаевлар 105004 сўм қарзлари бўла туриб қандай бамайлихотир юрганларидан ёқа ушлайсиз. Ахир турли баҳоналар билан иш битмайдику. Бирор дўконга кирсангиз ҳам наъсияга ҳеч нарсга ололмайсиз. Кассага нақд тўлайсиз. Ёки давлатники наъсиями? Бундай уйла-ганлар, албатта янгилишади. Улар «хисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган ҳолатга тушиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Биргина шу эмас, яна қанчалар қарздорларни номма-ном санаса бўлади. «Сергели-7» мавзеси 32-ўй 64-хонадон эгаси Тешабоева 98 395 сўм, «Сергели-2» мавзеси 15-ўй 78-хонадондан Овсянникова 95780 сўм, «Сергели-5» мавзеси 34-ўй 33-хонадон соҳиб Акбаров 91 000 сўм, шу мавзе 33-ўй 19-хонадондан Ялланқуллар оиласи 85 минг сўм, 30-ўй 18-хонадондан Собитовлар оиласи 82 минг сўм, «Қўйлик-7» мавзеси 2-ўй 1-хонадондан Арутюнянлар оиласи 85 минг сўм, 6-ўй 49-хонадон соҳиб Исаевларнинг 80436 сўм нақд қарзлари бўйликларига оғирлик қилмайтмикин? Шунингдек, Шаронова («Қўйлик-7» 49-ўй 125-хонадон), Боймирзаева («Сергели-7» 3-ўй 5-хонадон), Нуритдинова («Сергели-7» 32-

ўй 1-хонадон), Зайнуллона («Сергели-2» 65-ўй 54-хонадон), Лебедченко («Сергели-7Г» 64-ўй 4-хонадон), Мамажонова («Сергели-7» 44-ўй 73-хонадон) лар оилалари ҳам 79 313 сўмдан 52 775 сўмгача коммунал фойдаланиш ҳақларини тўлашмаган. Юқорида номлари келтирилган қарздорларнинг кўпчилиги 3-4 йилдан буён ҳамёнларини қавлашни унутиб қўйишга рист. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Гапнинг лўндасини айтганда ҳар ким ўз вазифасини, бурчини унутмаслиги керак. Юқоридаги оила соҳиблари эса буни анчагина унутиб қўйишган кўрини-нади. Нахотки фойдаланиш нарсанинг ҳақини тўлаш зарурлиги ойдайдеравшан бўлиб турганида, бу ишга суд, прокуратура ходимларини аралаштириш, коммунал фойдаланиш идоралари, ширкатлар ишчи-хизматчиларининг вақтини беҳудага совириш керак бўлса. Иссик уйда иссиқ сув, совуқ сув, газ хизматидаги беминанат фойдаланган, қарзини ҳам тўлаб қўйинг-да. Ахир ана шу хизматлар бир кун кўрсатилмай қолса югуришни, арз қилиб айюҳаннос солишни биласизку. Унутманг, хизматидан фойдаланянгизми, ҳақини тўлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ

Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақирғиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 2001 йил 11 май кунин Тошкент шаҳрида чақирғиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2001 йил 9 апрель.

XXI саҳифаси

Барча маъбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов **КЕЧА** Оқсарой қароргоҳида Америка Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний ҳамда дунё Нахшбандия тариқати издошлари раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийни қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Ойбек Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Факулдада ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.
- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Олий ислом кенгаши раиси Муҳаммад Хишом Қаббоний ҳамда дунё Нахшбандия тариқати издошларининг раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.
- Республика Пул-кредит сийсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъатнинг навбатдаги йиғилишида 2001-2005 йилларда қўтилидан демографик ўсиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этиш масаласи кўриб чиқилди.
- Хисоб-китоблар механизмини тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартриш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Соғлиқни сақлаш вазирлигида мамлакатимизда Европа Иттифонининг «Тасис» дастури доирасида амалга оширилган «Ўзбекистон Республикасида профилактик соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш» лойиҳасининг якунига бағишланган анжуман ўтказилди.
- Сурхондарё вилоят ҳокимлигида пахта ва галла парваришини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Эрмос» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси тузилди.

Жаҳонда

- Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида Америка-Ўзбекистон савдо палатаси компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказилди.
- Италиянинг Ўзбекистондаги Факулдада ва Мухтор элчиси Леопольдо Ферри де Ладзара қароргоҳида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга диплом ва медал таъкидлашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.
- ҚФР Бундестаги бир гуруҳ депутатларининг Қирғизистонга расмий ташрифи низоҳасига етди.
- КЕЧА** Россия Халқаро валюта фондида 25 миллион доллар тўлади. Келишувга мувофиқ апрель ойида Россия Халқаро валюта фондида 141 миллион доллар тўлайди.
- Куба Президенти Фидел Кастро Хитой билан АҚШ ўртасида самолётлар тўқнашуви натижасида юзага келган зиддиятга «совуқ уруш» аломати бор, деди. Президентининг айтишича, расмий Вашингтон тезда ушбу воқеа бўйича қарарларни ўзгартириши лозим.
- АҚШ Президенти Жорж Буш ўтган яқшаба кунин Америка ва Хитой харбий учувчиларининг тўқнашуви натижасида ҳалок бўлган хитойлик учувчининг рафиқаси Руан Гокин номига ҳамдардлик изҳор этилган шахсий мактубини йўллади.
- КЕЧА** Владимирда МДҲга аъзо давлатлар ветеринария органларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда оқсил касаллиги тарқалиши билан боғлиқ вазият муҳожама қилинди.
- Сербия ички ишлар ходимлари Белград судига Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевичнинг қизи Мария Милошевич устидан жиноий иш қўзғатиш учун зарур далилий ҳужжатларни топширди.
- Бугун** Ереванда 1999 йили мамлакат парламенти мажлислар залида юз берган қуроли ҳужум тўғрисидаги иш юзасидан суд ҳарваини давом эттириши керак. Ушанда юксак мартабали саккиз сийсатчи ўлдирилган эди.
- Киевда мамлакат Президенти Леонид Кучма истеъфосини талаб қилган минглаб кишилар иштирокидаги намойиш бўлиб ўтди.
- Қирғизистонда ислом жангариларининг бостириб кириш ҳолатлари рўй берганда фуқаро шахслардан иборат кишилар иштирокидаги харбий машлар бошланди. Машқлар мамлакатнинг жанубий вилоятлари — ўтган йили жангарилар билан тўқнашувлар юз берган Жалолобод, Уш ва Боткенда ўтказилмоқда.
- Бугун** Тожикистон ташқи ишлар вазири Т. Назаров ташриф билан Бишкекка келди.
- Исроилда қайта этилаётган «Ля-Иша» журналида Ўзбекистонга бағишлаб «Ўзбекистон — эркаклар мамлакатини» қўш саҳифали мақола эълон қилинди. Журнал ўз саҳифаларида бетақорор юрт ҳақида мароқ билан ҳикоя қилган.
- Россия Президенти Владимир Путин НТВ атрофида юзага келган можаро суднинг юқори инстанцияси томонидан ҳал қилиниши лозим деб ҳисоблайди. Давлат раҳбари билан учрашган НТВ жамоатчилиги кенгаши раиси Михаил Горбачев ўтган кунин бу ҳақда «Новости» ахборот агентлигида маълум қилган.
- Даниядаги энг кекса наслардан бўлиши «Акузепт» газетаси молиявий қийинчиликлар сабабли фаолиятини тўхтатди. Газета 1872 йилдан чиқа бошлаган эди.
- Профессионал боксда рингга чиқисини бошлаган Ўзбекистон полвони Муҳаммадқодир Абдуллаев АҚШда ўзининг дастлабки тўрт раундини жангини лас-везада Мухан Вашингтон билан учрашиб ажойиб галабага эришди. Яна бир ўзбекистонлик бокс юлдузи Руслан Чагаев июнь ойида бўлагидан хаваскорлар ўртасидаги жаҳон чемпионтатидан сўнг профессионал боксга ўтишини маълум қилди.
- Бугун** Техронда мини-футбол бўйича 3-Осиё чемпионати бажарилганда қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қўрға кубогини қўлга киритиш учун қарш олиб борадиган 14 мамлакат терма жамоалари орасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор.



Ангина асоратларидан сақланинг

Кўпична болалар орасида томоқ огриши, ангина касаллиги учраб туради. Шу мақсадда ушбу касалликни даволаш ва унинг олдини олиш учун нима-ларга риоя қилиш кераклиги тўғрисида шифокор маслаҳатини бермоқчимиз.

Ангина — танглай муртак безларининг яллиғланиши демакдир. Халқумга мунтазам равишда тушиб турган тутун, чанг, алкоголь ичимликлар, шунингдек, бурун орқали нафас олишни қийинлаштирадиган аденоидлар ва гайморит, чиринган тишлар ҳамда бурун халқумнинг турли касалликлари ҳам ангина сабаб бўлади. Касаллик кўпична 14 ёшга бўлган болаларда катталарга нисбатан икки баробар кўпроқ учрайди ва у бошқа касалликларга қараганда ўпка, нафас йўллари шамоллашадиган сўнг иккинчи ўринда туради.

Ангина касаллигининг олти хил тури мавжуд бўлиб, энг кўп учрайдигани бу катарал, фолликулитор ва локунар турларидир. Касалликнинг бошланғичида бола ҳарорати тўсатдан кўтарилди ва айниқса, биринчи кунлари юқори бўлиб туради. Мадорозлик ҳолати юзга келади, бош огриғиди, томоқ ачишиб, безовта қилади, оғиз очиб қийинлашади, томоқ тораёйи қолгандек туюлади, муртак безлари қизариб, юзасида йирингли парда ёки муртак бези усти гуллагандек мошдек оқ-оқ доғлар пайдо бўлади.

Касаллик шифокорлар маслаҳати билан вақтида тўғри даволанса, бемор 2-3 кунда соғаяди. Айрим вақтларда касални нотўғри, ўз ҳолида даволаб, оғир асоратлар юзга келишига сабаб бўлади. Унинг асоратлари — томоқ муртак без атрофлари, томоқ тўқималарига инфекция ёйилиши, йиринглаши (абцесс), бўйин лимфа безларининг яллиғланиши, ўрта кулоқ йиринглаши билан намоён бўлади.

Саидумар ЖАЛОЛОВ, шифокор.

БЕКА

Паҳлава

Тайёрланиши: маргарини қўлда яхшилаб юмшатиб оламиз, ун ва тухумнинг сариғини кетма-кет солиб аралаштирамиз. Каттиқни ош содаси билан аралаштириб солинади. Яхшилаб аралаштириб бўлган ун солинади. Кўлга ёпишмайдиган хамир тайёрланади. Тайёр хамирни уч бўлакка бўламиз. Хамирнинг бир бўлагини листга маргарин суриб, ёйиб 5 дақиқа давомида пишириб оламиз.

Бизнинг тайёрланиши: тухум оқини яхшилаб кўпиртириб, оз-оздан шакар солиб аралаштирилади. Шакар эригач майиз ва ёнғоқ солинади.

Тайёр бўлган хамирнинг биттасини листга маргарин суриб ёйиб, бизени иккига бўлиб, ярмини хамир устига бир текис қилиб ёйиб чиқамиз. Энг биринчи пишириб олган хамирни устига қўйиб яна бизени бир текис қилиб суриб чиқамиз. Учинчи бўлак хамирни ёйиб устига ёпамиз. Тухум суриб, пичоқ билан ромбик шаклида из чизиб чиқамиз. Паст оловда 40-45 дақиқа давомида пиширилади. Пишиб чиққан паҳлаванинг устига асал сурилади.

Керакли масалликлар: 250 грамм маргарин, 4 та тухум сариғи, 200 грамм каттиқ ёки сметана, 1,5 чой қошиқ ош содаси, 600-800 грамм ун ва 50 грамм асал керак бўлади.

Бизе учун: 4 та тухум оқи, 300 грамм шакар, 400 грамм тозаланган ёнғоқ ва 400 грамм майиз керак бўлади.

Дилдора СОДИКОВА



«Маҳаллам — жонимга малҳам»

Мана бир неча йил-дирки шахримизда «Маҳаллада соғлом мухит — мактабда соғлом авлод» кўрик-мусобақаси Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва шаҳар «Оила» маркази томонидан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда. Бу кўрик-мусобақани ўтказишдан мақсад «Соғлом авлод» давлат дастури, «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ҳамда Оналар ва болалар йилида қабул қилинган «Она ва бола» давлат дастурига амалга оширишга қаратилган.

Куни кеча пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» истироҳат масканида ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилиб, унда 11 та туманда голибликни қўлга киритган Яққасарой туманидан Муқимий, Шайхонтоҳур туманидан «Янгиобод», Собир Раҳимов туманидан «Ал-Беруний», Ҳамза туманидан «Донишманд» маҳаллалари билмидонлари беллашдилар.

маркази директори Гулнора Йўлчиева. — Ёмғир ёғиб турибди, лекин қатнашчилар шунчалик масъулият билан ўз олдларига қўйган мақсадни амалга оширишга, ўз севган маҳаллалари, мактаблари, ибратли оилалар ҳақида ҳикоя қилишлари, беихтиёр маҳаллани, зиммасидаги масъулиятни тушунган ҳар бир ёш албатта униб-ўсади дегинг келади. Ёшларимизни мана шундай жасоратли, баркамол бўлиб ўсишларида мана шундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши турилиши айни мудоао.

Танлов қатнашчилари Танишув, Муаммо, «Она билан бола — гул билан лола», «Биз севган клип» сингари шартлар бўйича беллашдилар. Ўқувчилар ҳар бир шарт бўйича ўз билимларини, топқирликларини, маҳалла ва унинг тарихини чуқур ва мукамал ўрганганликларини, оилалари, мактаб ва ўзлари туғилиб ўсган маҳаллаларини қанчалик севишларини юксак маҳорат билан кўрсатиб бердилар. Яна шуниси қувончлики

ўқувчилар билан бир қаторда маҳалла фаоллари, ибратли оилалар, ибратли қайноналар оналаримиз ҳам ҳамжиҳатлик билан бу танловда бажонидил қатнашдилар.

Ҳайъат аъзолари ҳар бир шарт бўйича бажарилган ва кўрсатилган тадбиркорлик, хунармандлик, чеварлик, қандолатчилик бўйича ишларни ҳолисона баҳоладилар. Энг юқори — 60 баллни Шайхонтоҳур тумани қўлга киритди. «Энг намунали маҳалла» — Шайхонтоҳур туманига, «Энг тадбиркорлар маҳалласи» — Яққасарой туманига, «Энг зукко болалар маҳалласи» — Ҳамза туманига, «Энг қобилиятли болалар маҳалласи» — Собир Раҳимов туманига насиб этди.

Ўқувчилар Республика «Болалар» жамғармаси ва туман «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.



Шоди кейинги кунларда ўқидан кечикиб қайтадиган бўлиб қолди. Розия опа дастурга хор бўлиб ўғани кутгани кутган. Икки кичик боласидан қўли бўшамади. Уй-жой-ғами, қозон-товоққама, бошқа юмушларга қарай деса, кичкинтойлар ҳар хил ўйин, ҳархашалари билан онани банд қилганлари қилган. Мана бугун ҳам Шоди қоронғи тушишга ақин қилиб келди.

— Ҳой болам, намуноча ҳаялдамасанг? Вақтида қайтиб, укаларингга қараб турсанг бўлмайдингми-а? — деди зориллаб ойсис. Шоди эса ҳар кунги гапини қайтариб: — Мактабда ҳашар бор дедим-ку! Унинг гапича, мактабнинг участкасида сабзавот экинлари бўлиб, шуларни ўтоқ қилишгаётганим. Бу ишга муаллим бош бўлаётганим. Розия опа ўзларининг овозида ва ҳаракатларида қандайдир ҳоринглик аломатларини сезгандай бўлди. Яқиндан тикилди. Шодининг ориққина бетлари қизариб терчирагандай кўринди. Онаизор-да, юраги ачиндиради.

— Ахир бунақа ишларда толиқиб қолсан-ку болам! — деб унинг олдига оққат келтирди. Шоди эса «Қорним тўқ» деб оққатга қарамади. Мактабда ҳашарчиларни оққатландиришганини айтди. Розия онанинг юрагига қандайдир гашлик тушди. Эртаси кун ишдан қайтса, ён кўшиниси бир хат тутқизди. Хат мактабдан экан. Синф раҳбари: «Хатни олишингиз билан етиб келинг» дебди. Кундуз соат бирдан ошиб қолганди. Розия опа, ҳозир борсам у кишини учратармикимман деб иккиланиб турди. «Барбир бошқа кунларим азонда ишга кетиб пешин вақтлари қайтаман-ку» деди-да, таваккал қилиб йўлга чиқди. Не ҳаёлларга бориб, юрагини гулгула босганича мактабга кириб бораркан, уни таниш муаллим очиқ чехра билан қаршилагач, сал ўзини босиб олди. Муаллим сўзини:

— Ўзлингиздан бир-икки марта айтириб юборувдим. Келолмадингиз, балким вақтингиз бўлмагандир, — деб мулоимлик билан бошлади. Унинг сўзида гина оҳанги сезилмади. Бироқ кейин Розия онанинг ўйлаб тушишга кирмаган нарсаларни эсга солди. Нима бўпти денг: тузуккина ўқиб турган Шодининг баҳолари кейинги вақтларда пасайиб кетибди. Буни эшитаркан, Розия опа ҳайратга тушиб нима деганини билмай қолди. Лоп этиб эсига «ҳашар» тушди. Боласининг ўқишда судраллиб қолганига бирдан суриб сабаб — шу ҳашарга қатнашиб, дарс тайёрламай қўйгани деб билганди. Аммо бунга айтишга қандай тили борсан. Бордию ўша ҳашарга бошчилик қилмаётган муаллим шу бўлса-чи! Муаллим, Шодининг ўқишни бўшаштириб, дарсларини тайёрламасдан келатганини айтиб, шунини сабабларини очишга қизиқди. Розия опа нима деганини билмай, бақрайганича ўтириб қолди.

— Ўзлингизнинг уйда дарс тайёрлашга ша-

роит яратиб берилганми? Ёки унга кўп юмуш қилдирасизми?

— Еши анчага борган, соч қошларига оқ оралаган бу нуруний домланинг саволини жавобсиз қолдириш иложсиз эди. Ортиқча маҳтал қилиб ўтириш ҳам беҳурматлик бўларди. — Биласизми, домлажон, ўғлим негадир кейинги вақтларда мактабдан уйга кеч қайтадиган бўлиб қолди, — деди Розия опа очинга кўча бошлаб.

— Кечикиб қайтиши сабабини суриштирмадингизми?

— Суриштирдим, — деди Розия опа нафаси ичига тушиб.

— Нима деб жавоб қилди у?

— Бу ёгини айтишга тили бормаган Розия опа:

— А-анови... м-мактабда... — деганича у ёнига ўтотмади.

— Нимани истихоло қилаяпсиз? Аниқроқ қилиб айтаверинг, опажон!

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Хақим НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МЕНИ КЕЧИРИНГ, ОЙИ ЖОН!

(Хикоя)

— Ҳ-ҳалиги ҳашар бор, дейди. — А-а? Қанақа ҳашар экан? — деди ҳайратта тушиб муаллим.

Розия опа қаттиқ хижолат чекиб бўлса-да, ўзларининг сабзавот ўтоғи тўғрисидаги гапини айтаркан, муаллимнинг кифтлари кўтарилиб, қошлари керилиб кетди. Шу чоққача ўзини босиб хотиржам сўзлашгаётгани, йўсини ўзгартирилган ҳолда деди: — Наҳотки ўқувчиларга шунақа иш қилдирилса?

Мактаб ҳовлисининг бир чеккасига қорувул озгина памилдор, пилё эккан. Уларга қараш қорувулнинг ўзидан ортмайди-ку! Ўзлингиз бу гапни қарсан, нима сабабдан тўқиди экан-а?

Муаллим шартта ўрнидан туриб йўлакка чиқди-да, бир болага «Шодини қақриб кел» деганиди, бола Шодини охириги дарсга кирмасдан кетиб қолганини айтди. Муаллим Розия онадан қатъий илтимос қилди: — Ўзлингизни тезда топиб, олдимга келтирсангиз. Мен кутаман...

Розия опа уйи томон тез-тез юриб бораркан, кўзлари алоқ-чалоқ бўлиб, ҳар ёққа бесаранжом жондирарди. Катта кўчанинг нариги томонида бир елкасига китоб, дафтларлар солинган жилдини бир елкасига каттагина халтани ортоқлаган бола кўринди. Бола қизғин шўйлагани, сариқ шимми, пилдираб юриши билан Шодига ўхшаб кетарди. Ҳа, ҳа ўша-

нинг ўзи. Розия опа тўсатдан: «Шодивой!» деб бақирворди. Бола эшитмади, кейин Розия опа шоша-пиша кўчани кесиб ўтди. Шоди уйи томонга мас, орқа томонга қараб кетмоқда эди.

Розия опа яна бир овоз берди. Кетма-кет ўтиб турган машиналар шовқинидан Шоди қулоғига етиб бормади. Шундан кейин Розия опа индамасдан унинг кетидан эргашди. Ўзларининг елкасида юк билан қасрга бораётганини билмоқчи бўлди. Шоди бир кўчанинг бурилишидаги гузарга бориб тўхтади. Халтасини ўзи олдинга турли мевалар, сабзавотларни ёйиб ўтирган кекса боққолга топширди. Худди шу топда ёнига бориб тўхтаган ойсига кузи ташаркан, Шоди нақ доғдираб қолди. Ойсининг: «Ҳа, нима қилиб юрибсан?» деган саволига жавоб топа олмади. Боққолнинг ёнида турган новчароқ бола Розия онанинг авзойи бузилганини кўриб, ўртага тушди:

— Опоқижон, Шодини уришманг. Бу бизга кўшничилик қилди, — деб қўйди.

Розия опа боққол билан боласининг шу маҳалла эстагидидаги қўшнилари эканини билдиб турарди. Аммо кўзига булар бегонадан баттарроқ кўришиб кетишди.

— Тузук, — деди кесатиб, — кўшидан фойдаланиш йўлини топибсизлар.

— Кечирасиз, келин, биз болангизни мажбур қилганимиз йўқ, барока топур ўз ихтиёрича мактабдош ўртоғига кўмаклашиб юрибди-да.

— Кўмаклашганига қарши эмасман, — деди Розия опа зўраки мулоимлик билан ва илтимос оҳангиде сўради:

— Сиз менга айтингчи, амакижон, қачондан бери кўмаклашяпти?

— Шу бир, икки ҳафта бўлиб қолди шекилли-а? — деб боққол боласига қараб олди. Розия опа булар билан ортиқ ади-бади айтишиб ўтиришни лозим кўрмади-да, ўзларини ёнига олиб қайтди. Йўлақай ўзини аранг босганича сўради:

— Айтгинчи, буларга фақат юк ташишда ёрдам бердингми, ё бошқа ишлардаямми?


Шоди дамини чиқара олмай борарди. Ойсис ўзини босиб, яхшиликча сўрайвергач, мингирлаб жавоб берди. Узуқ-юлуқ айтган гапларидан шу нарсалар аниқлашди: Шодининг ўртоғи кўнуга ўқуш тугар-туганмас уйига олиб кетар экан. Бозордан келтирган кўкпиеёз, укроп, кашничларнинг каттакон болларини майда-майда боғчаларга ажратиб боғлаш, сабзи артиш, тўғрашда қараштираркан. Бу нарсалар тайёр бўлганидан кейин, халталар, саватларга солиб боққолга етказишаркан.

Шоди бу гапларни қанчалик қийналиб айтган бўлса, ойсис шунчалик ёнжини билан тингладди. Бейхитёр хаёлига шу саволлар келди: Шоди уларга нима сабабдан илакишиб қолдикин?

(Давоми 4-бетда).



От қўшилмаган бўлса-да, юради...



Газетхоналаримизга шунинг эслатиб ўтамизки, йигирманчи аср бошларидаги Тошкентта биринчи савҳатни амалга ошириб бўлди ва унда пойтахт кўчалари бўйлаб трамвай илк бор «чопиллади». Бугун эса биз Тошкент шаҳрида электрли трамвай харақати бошланган 1912 йилнинг декабрь ойига «савҳат» қиламиз.

1907 йилнинг сентябрь ойидаёқ шаҳар бошқаруви «Тошкент трамвай» Бельгия жамияти билан электр қуввати орқали қатновчи транспорт харақати йўлини куриш юзасидан шартнома имзолаганди. Бунда мавжуд отли-темир йўлни қайта куришга икки йиллик муддат кўзда тутилган. 26,5 километр узунликдаги янги трамвай йўналишларини бунёд этиш учун эса кўпроқ муддат — икки йилдан ўн йилгача вақт белгиланган.

Уша пайтада расмий ҳужжатларда шундай ёзил-

бекати) атрофида электр станцияси иншоотини бунёд этиш ишлари бошланди.

1912 йил охирига келиб шартномада белгиланган ишлар якунланди. Бельгиядан Тошкентга харақат тарқиб — 50 та моторли ва 20 та тиркама вагонлар келтирилди.

Биринчи электрли трамвайнинг йўналиши Темир йўл вокзалидан шаҳар хиёбони (ҳозирги Амир Темур хиёбони) орқали Пушкин кўчаси бўйлаб Дархонариққа — жами 25 чақирим масофада давом этганди.

Кейинги мақолада биз Тошкент трамвайчиларининг бошқа ютуқлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Фурсатдан фойдаланиб муштарийларимизга бу йил Тошкент трамвай қатновига юз йил тўлишини эслатиб ўтамиз. Ушбу кутлуғ воқеага нафақат Тошкент трамвай тарихидан ҳикоя қилувчи

ганди: «Ушбу корхонанинг қиймати 3500 000 сўмга етади ва кўприкларнинг катта миқдорда — 240 тага этиши муносабати билан сезиларли даражада оширилади».

Курилиш ишлари қўл кучи билан амалга оширилди. 1910 йилнинг 17 августда Куропаткин ва Гогол шоҳқўчалари орасидаги



хунармандчилик билим юрти (ҳозирги «Дизельная»



мақолалар туркуми, балки «Оқшом»да эълон қилинган билимдонлар танлови ҳам бағишланади. Мазкур танлов 14 апрелга қадар давом этади ва ҳали ўз кучинингизни синаб куришингиз учун кеч эмас.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТЛАРДА: биринчи электрли трамвай ана шундай кўринишга эга эди; шаҳар хиёбони (ҳозирги Амир Темур хиёбони) худудда. Газета таҳририяти Республика кино, фото ҳужжатлари Марказий Давлат архивига тақдим этган тарихий суратлари учун миннатдорчилик билдиради.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Бир илохий қудрат қўшилди вужудингизга. Никоҳ суви ила руҳингиз боғларида ажиб дарахтлар бўй чўзди, анвойи гуллар юз очди. Ул сув — садақат дарёсининг бир ирмоғини жамингизда кашф этди. Жонингизда жафо отли чашмингиз кўзи очилди.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Ичиб бўлиб атрофдагиларнинг тилакларини эшитдингиз: қўшақаринглар. Ичингизда жилмайиб кўйдингиз, чунки то шу кунга қадар қариш сўзини эшитишни ёмон кўрадингиз. Бу сафар бу сўз улғу тилак тафти ила дилингни иситди. Чунки унинг ёнида кўша деган сўз бор, яъни қўшақаринглар. Тўғри қариш сўзи унча дилхуш бўлмасда бугун тантанавор жанрлади. Қўлоқларингиз энг чироили калом бўлиб куйилди.

Қўшақарингизлар. Никоҳ ўқиш маросими. Унутилмас дақиқалар... Ёшларнинг ёнида бундай пайт гувоҳ бўлиб туриш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бу лаҳзаларда уларнинг ёнида эл-юрт ўртасида мавқега эга, кўпни кўрган, иззатли-икромли, энг муҳими битта никоҳли инсонлар туришади. Тақдир тақозоси билан икки никоҳ қўрганлар ёки бевалар, фарзанд кўрмаганлар бундай пайт ўзларини узокроқ оладилар. Булар бизга ўхшамасин, бахтли бўлишин, дея улар ҳам тилак қилишади.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Сабаби ҳозиргина икки ёш бир қосадан никоҳ сувини ичдилар. Тангри бахт берса бу сув улкан шаҳара дарахтининг илдизига куйилган дастлабки сув. Ниҳол олдидаги масъулият. Дарвоқе никоҳ суви ила калбингиз, томирларингиз, онгу-шурингизга улкан масъулият ҳам олдингиз. Қадимда шарқда келин-куёвнинг дастурхонига дағат нон, пати, ширинликлар, сархил мевалар куйилган. Фақат бир-бирини қўлидан асал ялатилган. Бу дегани ёшларнинг ҳаёти ширин бўлсин.

Ўзбек оилаларида қадимки урф-одатимизга хиёнат қилмасдан то шу кунгача никоҳ суви, ароқ отли заҳри қотилини араштирамасдан келатган, палаги тоза оилалар жуда кўп. Миллий қадриятларимиз тилланди. Юз ёшли моллар оруз этгандек тўйлар, юз ёшли боболар тилак қилган никоҳ ўқитиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Бу сув борлигингиздаги жуда кўп нарсанинг рангини ўзгартириб юборди. «Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўрганларини ҳам кўрмаганга олишлари керак», — деган француз адибаси Мадлен Сюжодери. Бу билан нима демократ. Ўта юксак маданиятли, маънавий баркамол келин-куёв никоҳдан кейин жуфтнинг айрим камчиликларидан кўз юммоғи даркор. Ахир бекорга айтилмаган: «Йўғини яшириб борини оширингиз», деб.

Мангу яшилди турсин никоҳ дарахти. Олтин илдизларига гайир қўллар чангал солмасин. Кумуш япроқларига эҳтиром ила боқанлар мудроларига етсин.

Никоҳ суви.
Бу қандай сув эди, ўзи
Ичдим, руҳимга қайтди оқ қушлар.
Меҳрдан гапирди шу лаҳза бармоқ
Гуллар қўларингизга нелар дейишлар.
Екимли сайради уйғок қушларлар
Унинг томчисидан уммон муҳассас.
Бу бахтли дамларга яшилди гувоҳ
Гувоҳлик беради ер ҳам, осмон ҳам.
Оллоҳдан ризодек, очилар ҳар қўл
Эзгулик боғига гардлар кўнмасин.
Оппок оруз билан тўй бошлаган эл
Никоҳ суви тўла қосанг синмасин.

Зулфия МҲМИНОВА

УДУМЛАРИМИЗ

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Бир илохий қудрат қўшилди вужудингизга. Никоҳ суви ила руҳингиз боғларида ажиб дарахтлар бўй чўзди, анвойи гуллар юз очди. Ул сув — садақат дарёсининг бир ирмоғини жамингизда кашф этди. Жонингизда жафо отли чашмингиз кўзи очилди.

Никоҳ сувини ичгач

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Ичиб бўлиб атрофдагиларнинг тилакларини эшитдингиз: қўшақаринглар. Ичингизда жилмайиб кўйдингиз, чунки то шу кунга қадар қариш сўзини эшитишни ёмон кўрадингиз. Бу сафар бу сўз улғу тилак тафти ила дилингни иситди. Чунки унинг ёнида кўша деган сўз бор, яъни қўшақаринглар. Тўғри қариш сўзи унча дилхуш бўлмасда бугун тантанавор жанрлади. Қўлоқларингиз энг чироили калом бўлиб куйилди.

Қўшақарингизлар. Никоҳ ўқиш маросими. Унутилмас дақиқалар... Ёшларнинг ёнида бундай пайт гувоҳ бўлиб туриш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бу лаҳзаларда уларнинг ёнида эл-юрт ўртасида мавқега эга, кўпни кўрган, иззатли-икромли, энг муҳими битта никоҳли инсонлар туришади. Тақдир тақозоси билан икки никоҳ қўрганлар ёки бевалар, фарзанд кўрмаганлар бундай пайт ўзларини узокроқ оладилар. Булар бизга ўхшамасин, бахтли бўлишин, дея улар ҳам тилак қилишади.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Никоҳ ўқилди. Гушангада чирок айлана бошлайди.

Чирок-чирокдан айлансин,
Чирок-чирокдан айлансин.
Чирок-чирокдан айлансин,
Кубёв келиндан айлансин
Чирок чирокдан айлансин,
Келин кубёвдан айлансин.
Орадан бир йил ўтмай,
Келин бешиқдан айлансин.
Чирок чирокдан айлансин.
Бешиқ ёнда бахтли кубёв
Хасан-Хусандан айлансин.

Канчалик доно халқимиз бор. Бу эркаловчи, ҳазил тўла сўзларнинг замирида бир саодатли умрга фотиҳа берилаяпти. Чирок-чирокдан айлансин. Яъни келиннинг чироги кўёвнинг, кўёвнинг чироги келиннинг чироғидан айлансин. Икки чирок бир бўлиб чимилдикдан айлансин. Муқаддас чимилдик. Икки оқуш сув ичган нурли гўша. Ташқарида қарнай-сурнай. Ташқарида қаҳ-қаҳа. Ташқарида ёшларга Оллоҳдан бахт сўраган икки томон. Қуда томонлар.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Сабаби ҳозиргина икки ёш бир қосадан никоҳ сувини ичдилар. Тангри бахт берса бу сув улкан шаҳара дарахтининг илдизига куйилган дастлабки сув. Ниҳол олдидаги масъулият. Дарвоқе никоҳ суви ила калбингиз, томирларингиз, онгу-шурингизга улкан масъулият ҳам олдингиз. Қадимда шарқда келин-куёвнинг дастурхонига дағат нон, пати, ширинликлар, сархил мевалар куйилган. Фақат бир-бирини қўлидан асал ялатилган. Бу дегани ёшларнинг ҳаёти ширин бўлсин.

Ўзбек оилаларида қадимки урф-одатимизга хиёнат қилмасдан то шу кунгача никоҳ суви, ароқ отли заҳри қотилини араштирамасдан келатган, палаги тоза оилалар жуда кўп. Миллий қадриятларимиз тилланди. Юз ёшли моллар оруз этгандек тўйлар, юз ёшли боболар тилак қилган никоҳ ўқитиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Сиз никоҳ сувини ичдингиз. Бу сув борлигингиздаги жуда кўп нарсанинг рангини ўзгартириб юборди. «Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўрганларини ҳам кўрмаганга олишлари керак», — деган француз адибаси Мадлен Сюжодери. Бу билан нима демократ. Ўта юксак маданиятли, маънавий баркамол келин-куёв никоҳдан кейин жуфтнинг айрим камчиликларидан кўз юммоғи даркор. Ахир бекорга айтилмаган: «Йўғини яшириб борини оширингиз», деб.

Мангу яшилди турсин никоҳ дарахти. Олтин илдизларига гайир қўллар чангал солмасин. Кумуш япроқларига эҳтиром ила боқанлар мудроларига етсин.

Никоҳ суви.
Бу қандай сув эди, ўзи
Ичдим, руҳимга қайтди оқ қушлар.
Меҳрдан гапирди шу лаҳза бармоқ
Гуллар қўларингизга нелар дейишлар.
Екимли сайради уйғок қушларлар
Унинг томчисидан уммон муҳассас.
Бу бахтли дамларга яшилди гувоҳ
Гувоҳлик беради ер ҳам, осмон ҳам.
Оллоҳдан ризодек, очилар ҳар қўл
Эзгулик боғига гардлар кўнмасин.
Оппок оруз билан тўй бошлаган эл
Никоҳ суви тўла қосанг синмасин.

Зулфия МҲМИНОВА



Жаҳон андозаларига мос мусобақа

Барча вилоятларда катта теннисни ривожлантириш, жойлардаги иқтидорли ракетка усталарини мусобақаларга жалб этиш орқали маҳоратини оширишдек хайрли мақсадларни қўлаб вилоятлар терма командалари ўртасида ўтказилаётган жамоавий Кубок мусобақалари сажий ўлкамиздан О. Огородов, Д. Томашевич, В. Куценко, И. Тўлағонов, Ф. Дўстов, М. Иноят, описингли Биктатова каби талантларнинг етишиб чиқишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга шўба хўс. Зеро, Ўзбекистон Кубоги мусобақалари халқроқ талабларга мос равишда ташкил этилади. Яъни у Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари иштирокида тўрт босқичда олимпиада тизимида ва терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати — Дэвис Кубоги баҳсларига мувофиқ — уч кун давомида тўртта яқка тартибдаги ва битта жуфтликлар ўртасидаги беллашувлар.

Биринчи босқич беллашувлари 13-15 апрель кунлари ўтказилиб, энг кучли жамоалар — Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти теннисчилари ундан овоз этилади. 1-3 июнь кунлари ўтказиладиган иккинчи босқич баҳсларида эса ҳамшаҳарларимиз Тошкент ва Сирдарё вилоятлари учрашувининг голиби билан ўзаро куч синашади.

Учинчи босқич баҳслари 10-12 августда ўтказилиб, 26-28 октябрдаги якуний беллашувлардан кейин «Фонон» илмий-ишлаб қуриш биришлари томонидан тайёрланган кўча Кубок соҳибни маълум бўлади.

Эркақлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Ўзбекистон Кубоги турнирига «Совпалиталга», «Ўзбат» қўшама корхоналари, «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа корхона ҳамда ташиқлотлар ҳоимлик қилишмоқда.

Дилшо ИСРОИЛОВ

Ажойиб ғалаба

Ўтган ҳафтада Янги Зеландияга Дэвис кубоги мусобақаларида катнашиш учун жўнаб кетган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари майдон эгалари ҳисобланмиш Янги Зеландия терма жамоаси билан ўзаро куч синашиб 3:2 ҳисобида ажойиб ғалабани қўлга қўришди. Ушбу ғалабага мамлакатимизнинг биринчи ракетаси Вадим Куценко ва истеъдодли теннисчи Олег Огородовлар муҳим ҳисса қўшишди. Аввалгига 1:2 ҳисобида орқада бораятган теннисчиларимиз ўтган кунги ўтказилган сўнгги беллашувларда дастлаб Олег Огородов Марк Нильсонни, Вадим Куценко эса Алестр Хантни мағлубиятга учратиб терма жамоамизнинг умумий ҳисобдаги ажойиб ғалабасини таъминлашди.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Хабарингиз борми?

Ўзбекистон Кубоги баҳсларининг нимчорак финалида пойтахтимизнинг муҳим жамоаси «Пахтакор»нинг муваффақият қозониб «Самарқанд — Динамо» жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб чорак финалда катнашиш ҳуқуқини қўлга киритганидан ишқибозлар хабардор албатта.

Ўтган кунги Ўзбекистон Футбол федерациясининг йиғилишида мамлакат биллур соврини учун курашаётган сажиз жамоанинг навбатдаги баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Чорак финал баҳслари 11 май кунги ўтказилиб унга қўра голиблар бир ўйин натижасига қараб аниқланадиган бўлди. Демак, 11 май кунги «Сўғдиёна» — «Бухоро», «Дўстлик» — «Насаф», «Анджон» — «Нефтчи», «Кизилқум» — «Пахтакор» ўзаро куч синашадилар.

Олимпиячилар Чимкентга боришди

Рауф Инелёв мураббийлигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси жорий йилдаги иккинчи ўқув-йиғин машғулотларини Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида ўтказишди. Ўзбекистонликлар бу ерда Чимкент футбол фахрийлари хотирасига бағишланган турнирда иштирок этишди.

Шўҳрат Мақсудов мураббийлик қилмоқда

Авал хабар берганимиздек, ўзбек футболининг юлдузларидан бири, XII Осиё ўйинлари чемпиони, «Пахтакор» кейинчалик «Нефтчи» жамоаларининг моҳир ҳужумчиси Шўҳрат Мақсудов жароҳат олганлиги тўғрисида ҳозирда футбол ўйнамаётган эди. Аммо...

Олимпия шон-шўхрати музейига Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 1996 йилда берилган № 10 — 6862 509 сонли далолатнома йўқолишига сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоаси ва тиббий профилактика факультети ички касалликлари кафедрасининг ходимлари кафедра доценти, тиббиёт фаилари номзоиди **Марат Мўхамедович ШОДМОНОВНИНГ** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Нефтчи» (Фарғона) бош мураббийси Юрий Саркисян тақлифига биноан Шўҳрат Мақсудов фаолиятида муҳим ўзгариш рўй берди. Эндиликда у «Нефтчи»нинг ёш ўринбосарлари билан ишлайдиган мураббийлар қаторидан жой олди.

Қирғизистон сафари муваффақиятли кечармикан?

Қирғизистоннинг Қант шаҳрида шу кунларда Урта Осиё давлатлари ва Қозоғистон ёшлар терма жамоалари ҳамда Қирғизистон олий лига-си вакиллари иштирокида «Дўстлик» кубоги мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Ушбу мусобақада катнашиш мақсадида Виктор Борисов каби таълиқли мураббий бошчилигида олий ва биринчи лигада муваффақиятли тўп сураётган 23 нафар ёш футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси қизгин тайёргарлик кўрди. Энди ҳамма гап ушбу нуфузли турнирда ғалаба билан қайтишда.

Футболчилар қайта синавдан ўтишади

Олий лига жамоаларида рўйхатдан ўтган айрим футболчилар Ўзбекистон футбол федерацияси катъий талаб қилган меъёрий синавларни топира олганликлари тўғрисида Х мавсумнинг тўрт тур орта қолишига қарамаддан чемпионат ўйинларида иштирок эта олмаётганликлари.

Шунинг учун ҳам 9 апрель кунги «Пахтакор» ўйинигоҳида «омади чопмаган» ушбу футболчилар қайта синавдан ўтказилди. Бу сафар ҳам имтиҳондан йиқилганлар эса апрель ойининг учинчи ўн кунлигида яна бир бор ўзларини синаб қўришлари мумкин.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Хотира «душмани»
Таллинн техник университети олимлари ҳулосасича, мобил телефоннинг соғлиққа зиёни бор. Бу алоқа воситаси экология билан умуман боғлиқ эмас. Табиат мувозанатининг бузилиб бораётгани ҳақидаги баҳслар ҳамон давом этмоқда, аммо ҳеч нарса ибодатини топгани йўқ. Мобил телефон ҳам экологик фожиралар каби инсонга фақат зарар келтиради.

Хўш, талабалар ҳаётига мобилнинг таъсири қандай? Ўзларига ҳаддан ташқари бино қўйган казо-казоларнинг фарзандлари тест синавларидан ўтказилганида, талқотчилар бош чайқашди. Уларнинг 90 фоизи топшириқни чала-ярим, ишонсиз ёки нотўғри бажаришган. Ҳулоса шунки, мобил телефондан фойдаланган кишини руҳий зарбага дучор этиб, диққат ва хотира-ни пасайтиради.

Демак, ундан фойдаланувчилар бунин билиб қўйсалар, фойдалан холи бўлмасди.

Ўғри қўлга тушди

Ўғри форточкадан хонга тушиб тезда тилда буюмларини умарди-ю, қочишга шайланди.

Бирок ўлгурмади. Сигнализация ишлаб кетди, зинадан милициянинг кўтарилаётгани эшитилди. Қўрқиб кетган ўғри умарган нарсаларини ичига ютиб шақфага яширинди. Унинг бу ҳийласи деярли иш бергандай бўлди — хонага кирган милиционерлар у ёқ бу ёқни тезда қўздан кечириб ҳеч қимми топмай кетишди. Аммо улар хонани кейинроқ синчиклаб текширишларида шақфанинг ичиде ухлаб қолган ўғрини топишди. Бироз вақтдан кейин у ичига ютиб юборган 150 доллар қимматлиги буюмлар ҳам топишди.

Автомобилларнинг фойда ва зарари

1996 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, йўлларда харақат қилаятган автомобилларнинг сони 690 миллионга етган. Асримизнинг бошдан то шу кунгача ўтган 90 йил ичиде 1,3 миллиард дона автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, нисбатан қисқа муддат — 2010 йилгача яна худди шунча машина ишлаб чиқарилади. Энг кўп машина ишқибозлари Америкада экан. У ерда 262,3 миллионга тўрт йилда «моторли арава»лар ишлаб чиқарилган. Ҳар йили эса бу мамлакатда 12 миллион эски машина йўқ қилинади. Автомобилларнинг металлдан ишланган қисмини оладта мажаклаб, қайтадан эритиш учун жўнатилади. Пластмасса, резина, ойна, бошқа материаллардан тайёрланган қисмлари эса ахлатга ташлаб юборилади. Авто чиқиндилар жаҳонда ҳар йил 7 миллиард тоннага етади. Бундан об-ҳаво қанча зарарланади, ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

(Давоми. Боши 3-бетда).

— Балки бу бола ўқишда сенга ёрдам бераётгандир-а?
— Йўқ! — деди Шоди қатъий қилиб. Унинг ўзи паст баҳода ўқийди.
— Бўлмаса ўзинг нима мақсадда уларга қарашаянми? Эҳтимол сенга бирон нарса ваъда қилишгандир-а?
Шодидан садо чиқмади. Розия опанинг шубҳаси янада ошди. Уларнинг мактабдаги ҳашар тўғрисидаги олдинги айтган гаплари ёлгон эканлиги аниқлашганди. Шундай бўлса-да, синамоқ ниятида ҳашардан сўз очмоқчи бўлди. Уйга келишгандан сўнг ўғлини айвонга ётқизиб қўйиб босиқ товушда сўради:

— Айтгинчи, ўғлим, ўртоғинга шунча ёрдамлашиб, яна мактабдаги ҳашарга қандай вақт топдинг-а?
Шодининг ранги қув ўчиб кетди. Жавоб ўрнига кутилмаганда томоғига бир нима тикрилгандай ихраб, сўнг бигиллаб йиғлаб юборди. Ҳаёлига келмаган ҳолида юз берганди. Каттиқ ачиниш билан термулиб турган онасига бирон оғиз сўз айтишга тили ожиз, ўзини йўқотганди.
— Сен нодон бола оғим ҳамма камчиликгини кечирсам ёлгончилигини кечирмас деб уйлагансан-а? Агар уйлаганинда бор гапни мендан яширмасдинг! Гапир!
Ўғлидан садо чиқавермагач, она охириги фикрини билдирди:
— Бўпти, мактабга борамиз. Ўқитувчинг сени кутаяпти. Унга ҳамма гапни айтиб берасан.

— Қўйинг, борманг, ойижон! — деб томдан тараша тушгандай шовқин солиб юборди. Шоди бигиллаб йиғлаган кўйи ойисининг бўйнига осилди. — Ўқитувчимга билдирманг!...

— Ўзингни бос, бола! Қилгиликни қилиб қўйиб бекорга аюҳаннос солма! Ойингизки сир айтмадингми, устозингга ҳам айтмай кўрчи!

Розия опа шунинг айтди-ю нари кетди. Ҳовлида шовқин-сурон кўтарилиб, копток тепишаётган болакайларини тинчлатиришга тушди. Шоди эса худди ҳозирроқ ойис мактабга бориб ўқитувчига ҳамма гапни айтиб қўядигандай чўчиб тушганди. Югуриб бориб ойисига ёпишди. Розия опа уни стақлаб уй ичка-рисига олиб кирди-да:
— Қани айтганингни айта қол, мени қий-

— Мени йиғлаб енгмоқчи бўлма бола! Бу айбоннинг учун кечирим сўрашинг керак. — Иккинчи мунақа номлақулчиликни қилмайман! деб ваъда беришинг зарур! Бўлмаса-чи...

Ойисининг қаттиқ авзойи бузилганини сезган Шоди титроқ товушда:
— Кечиринг, ойижон, энди қилмайман! — деб мингирлади.

Сал ўтиб хиёл тафтидан тушган она, дастурмоли билан тантиққина боласининг кўз ёшлари-ю бурнини артиб қўйди-да, ётиги билан ўғит берди:

— Мактабда муаллимнинг сендан безовта. Унга ҳам бор гапни айтасан-да, кечирим сўрайсан. Ҳўпми?

Шоди чўчиб тушди. Жавоб кутаётган ойисига:
— Қандай қилиб?... — делю бошқа сўз айтма олмайди.

— Менга қандай қилиб айтиб берган бўлсанг, устозингга ҳам шундай қилиб. Ҳа, мард одам хато қилиб қўйса, шу хатосини бўйнига олиб кечирим сўрашдан қочмайди. Бордию устозингга ўзинг айтишга қийнасанг, мен айтиб бера қоламан.

— Йўқ, айтманг, жон ойижон!... Шодивой ўн икки ёшлиқина умрида биринчи даъфа шундай оғир, мушкул саволга рўпара келганди...

Ўқитишнинг бўшашириб юборибсан-да. Яна тагин бўёгини яшириб, ҳашарни тўқиб чиқарганинг, ўқитувчинг олдида мени ҳам сўбтисиз қилиб қўйганинг-чи! Бу қилгулигинини нима деб аташ керак-а? Фирт ёлгончилик-ку! Ким ўргатди сенга бу бўлмағур олатни, а?
Шоди яна пиқиллаб бошлаганди Розия опа қаттиққина жеркнлди.
— М